МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА БИЛИМГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШНИ МИЛЛИЙ ҒУРУР ТУЙҒУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ СИНГДИРИШ (2022-2025 ЙИЛЛЛАР ДАВОМИДА ЎТКАЗИЛГАН ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ МИСОЛИДА)

Фазилов Джамолиддин Камолитдинович
Қори Ниёзий номида Тарбия педагогикаси миллий институти мустақил тадқиқотчиси, педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим
Низамова Фариза Джамолиддиновна
Қори Ниёзий номида Тарбия педагогикаси миллий институти мустақил тадқиқотчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.23509871

Аннотатция: Мазкур мақолада Республикамиз умумий ўрта таълим муассасаларида иқтидорли ўқувчиларни танлаш, уларни иқтидорини рўёбга чиқариш учун давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик. Фанлар кесимида ўқувчиларни халқаро ва нуфузли олимпиадаларга тайёрлаш, уларга шароит яратиш. Ўқувчилар ва уларнинг раҳбарларини рағбатлантириш масалалари борасида сўз юритилади. Шу билан биргаликда ўқувчилар онгида миллий қадриятларни шакллантириш орқали ўзининг ватанидан ғурурланиш ҳиссини уйғотиш, унинг ривожи учун ўз ҳиссасини қўшиш каби мавзулар ёритилади.
Таянч сўзлар: *Олимпиада, фан олимпиадалари, иқтидорли ёшлар, илм-фан, таълим-тарбия, интеллектуал салоҳият, миллий ғурур, Халқаро фан олимпиадалари.*
Аннотация: *В данной статье рассматриваются вопросы государственной поддержки одарённых учащихся в общеобразовательных учреждениях Республики Узбекистан, их отбора и создания условий для реализации их интеллектуального потенциала. Освещаются вопросы подготовки учащихся по отдельным предметам к международным и престижным олимпиадам, создания необходимых условий для их участия, а также поощрения учащихся и их наставников. Наряду с этим рассматриваются вопросы формирования у учащихся национальных ценностей, воспитания чувства гордости за свою Родину и стремления внести свой вклад в её дальнейшее развитие.*
Ключевые слова: *олимпиада, предметные олимпиады, одарённая молодёжь, наука, образование и воспитание, интеллектуальный потенциал, национальная гордость, международные предметные олимпиады.*

Кундалик ҳаётимизнинг барча соҳаларида шиддат билан ривожланиб бораётган бир қатор давлатлар, имкон қадар ўзининг дунё ҳамжамиятидаги мавқеини сақлаб қолиши асосида уларнинг ёшлар таълим-тарбиясига қаратилган эътибори, илм-фан янгиликларини амалиётга татбиқ этиш туфайли эканлигини замоннинг ўзи кўрсатиб турибти.

Ҳар бир давлатнинг тараққий этиши, иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва ундаги ривожланишнинг бошқа давлатлар томонидан тан олиниши, албатта, ушбу давлатнинг узоқни кўзлаб ёшларга берган таълим-тарбияси, уларни интеллектуал ривожи учун сарфланган сармоя, ишлаб чиқариш ва илф-

фанни уйғунлигини тўғри йўналтирилганлиги, келажак авлод учун сарфланган сармояси ва энг муҳими илк боғча ёшидан бошлаб фарзандлари онгида миллий ғурур тушунчаларини шакллантириш, сингдириш сиёсати орқали эришилган десак муболаға бўлмайди.

Мазкур мақолада, Ўзбекистонда мактаб ўқувчиларининг интеллектуал ривожланиши қай даражада илдамланиб бораётганлиги рақамларга асосланган ҳолда халқаро фан олимпиадалари мисолида кўриб чиқилади.

Республикамиз мустақиллика эришган илк йилларда умумтаълим мактаб ўқувчилари турли давлатларда ўтказилган халқаро фан олимпиадаларида иштирок этиб, аҳён-аҳён бир йил давомида битта бронза ёки бирорта кумуш медалига сазовар бўлиб қайтишган. Ўзбекистонлик ўқувчилар учун халқаро фан олимпиадасида Олтин медал олиш, бир неча йиллар давомида азалий орзуга айланиб қолган эди. Ҳар сафар олимпиадада иштирок этган ўқувчилар биринчидан ўзини тенгдошлари орасида билими етарли эмаслиги ва халқаро олимпиада ўтказиш талаблари ва қоидаларини билмаганлигидан кайфияти бузилса, иккинчидан олимпиададан қайтиб келишда уларга бўлган эътибор ҳаминқадар бўлганини гувоҳи бўлганмиз.

Мазкур масалада 2019-2025 йиллар давомида мамлакатимизда илм-фан соҳасини ривожлантириш, таълим тизимига эътибор қаратиш, республикамиз ўқувчиларини нуфузли халқаро фан олимпиадаларига муносиб иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3-майдаги “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4306-сон қарори қабул қилиниб, ушбу қарор асосида Халқ таълими вазирлиги тузилмасида “Фан олимпиадалари бўйича иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш департаменти” ташкил этилди ва унинг асосий вазифаси этиб қуйидагилар:

Иқтидорли ўқувчи ёшларни аниқлаш, улар фаолиятини илмий ва услубий жиҳатдан таъминлаб бориш, соҳада илғор тажрибаларни оммалаштириш ва улар асосида таълим муассасалари учун тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқиш;

Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида маҳаллий ва халқаро, шу жумладан нодавлат фан олимпиадаларини ташкил этиш, уларнинг халқаро олимпиадалардаги иштирокини таъминлаш;

Юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда олимпиадалар учун доимий янги назорат материалларини ишлаб чиқиш;

Халқаро олимпиадалар иштирокчиларини юқори малакали мутахассислар, шу жумладан олимлар, профессор-ўқитувчилар, хорижлик мутахассисларни жалб қилган ҳолда тайёрлаш, инглиз тили ва рус тили

фанларидан мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида махсус курслар ташкил этиш;

Олимпиадаларда юқори натижаларни қайд этган иқтидорли ўқувчиларнинг келгусидаги фаолиятини мониторинг қилиб бориш ва қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш белгиланганлиги ушбу йўналидгаи ишларни янги босқичга олиб чиқишга асос бўлди.

Албатта, мазкур Департамент ташкил этилиши муносабати билан 2020-2024 йиллар давомида ўқувчиларни халқаро фан олимпиадаларига иштирокини таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш, ушбу ўқувчиларни тайёрлаган педагог ходимлар ва таълим муассаслари раҳбарларини моддий рағбатлантириш, бир қатор фанларни ўқитишга ихтисослаштирилган таълим муассасалари тармоғини кенгайтиришга йўналтирилган Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Айниқса, қисқа муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 7-майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4708-сон, 2020-йил 12-августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4805-сон, 2020-йил 6-октабрдаги “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интегратсия қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4851-сон, 2021 йил 19 мартдаги “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 5032-сон қарорларининг қабул қилиниши мазкур йўналишда мисли кўрилмаган даражада бурилиш ясашга дастурил амал сифатида асос бўлди.

Ушбу қарорларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, фанлар бўйича малакали мутахассислардан иборат ижодий гуруҳ ва олимпиада топшириқлари базасини тузиш юзасидан ижодий жамоа шакллантириш, олимпиада жараёнларига координатор ҳамда ёрдамчи тренер сифатида жалб қилиш масалаларида алоҳида эътибор берилиб, бунинг натижасида эса ёшларимиз турли халқаро беллашувларда юксак марраларни қўлга киритаётгани барчамизни мамнун этмоқда.

Бир тарихга назар ташлайдиган бўлсак ўқувчиларимиз 2010-2016 йиллар давомида халқаро фан олимпиадаларида бор йўғи 73 та медални қўлга киритган бўлсалар, сўнгги олти йилда 627 та, 2025 йилнинг ўзида эса 278 та медалга сазовор бўлиши ҳам мазкур соҳада олиб борилаётган эътиборнинг самарасидир.

Мазкур ислоҳотларнинг давоми сифатида Фан олимпиадаларининг нуфузини ошириш ва халқаро стандартлар асосида ишларни ташкил этиш

мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 30-сентабрдаги “Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-346-сон қарорига асосан мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тасарруфида “Фан олимпиадалари маркази” ташкил этилди.

Мазкур қарор асосида нуфузли халқаро олимпиадалар, халқаро олимпиадалар ва минтақавий халқаро олимпиадалар ғолиблари, уларнинг ўқитувчилари ва терма жамоа раҳбарларига пул мукофоти миқдори ҳамда халқаро олимпиадалар рўйхати тасдиқланди.

Бугунги кунда мазкур марказ томонидан нафақат ҳудудларда ўтказилган фан олимпиадаларининг ғолибларини саралаш ва уларни халқаро олимпиадаларга тайёрлаш, балки нуфузли халқаро олимпиадалар (Математика, физика, кимё, биология ва информатика) га тайёрлайдиган ўқитувчилар ўртасида ҳам фанлар кесимида олимпиадалари ўтказилиб уларнинг ғолиблари ўқувчиларни саралаш босқичига тайёрлаш учун жалб этилмоқда.

Ўқувчилар саралаш босқичидан ўтгандан кейин уларни халқаро фан олимпиадаларига тайёрлаш жараёни ҳам ҳозирги кунда марказ томонидан ташкил этилган бўлиб, унда Республикамиз ва хорижий Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, етакчи олимлар, тажрибали ўқитувчилар ҳамда болаларни руҳий томондан тайёрлаш мақсадида амалиётчи психологлар жалб этиб борилмоқда.

Мана шу ўринда бир муҳим нарса мени диққатимни тортганини ва бу нарсага ҳаммадан ҳам кўпроқ эътибор қаратиш кераклигини амалда гувоҳи бўлдим.

Ҳар сафар болаларни халқаро олимпиадаларга кузатиш жараёнида улар билан амалиётчи психологлар суҳбат ўтказиб, ўқувчиларни руҳан тайёрлашади. Иштирокчиларга ҳар бир олинган медалларни замирида ватанимиз обрў-эътибори, ўқитувчининг меҳнати, ота-оналарнинг эътибори ва ота-боболаримизнинг дуоси, бизга қолдирган интеллектуал мероси ётишини такрор ва такрор эслатиб боришади. Шу билан биргаликда ҳар сафар халқаро фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларимиз эълон қилиниб, ватанимиз байроғи кўтарилганда қалбимизда ғурур ва ифтихор ҳиссиёти пайдо бўлиши, бу эса ўзбек фарзандлари нималарга қодир эканликларини дунёдаги тенгдошларига кўрсатиш улар билан бир хилда рақобатга киришига куч бағишлашини эслатиб ўтишади.

Хотима ўрнида халқаро фан олимпиадаларида ўқувчиларимизни муносиб иштироки ва йилдан-йилга ғолиб ўқувчиларимиз сонининг ортиб бориши замирида муҳтарам юртбошимизнинг ёшларимизни ўз иқтидорини тўла намоён этиши, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришида уларга

кўрсатилаётган эътибор ва яратилаётган шарт-шароитлар, ёшларимизда ўз ватанидан ғурурланиш ҳиссиёти шаклланганлиги десам айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 3-майдаги ПҚ-4306-сон қарори. Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 30-сентябрдаги ПҚ-346-сон қарори. Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.

QORI NIYOZIY NOMIDAGI TARBIYA PEDAGOGIKASI MILLIY INSTITUTI
TPMI
1929